


УМАРАЛИ НОРМАТОВ, ОРТИҚ АБДУЛЛАЕВ

# ИЖОДНИНГ ҚУШ ҚАНОТИ

Узлигинг яралган моддий олам—ла  
Қушилиш, баъзида бордек сарафроз  
Далаларга кўниш, ёмгирда ёғиш...  
Яна кўклам келиб, бир барг ёзамиз,  
Фарзандлар кўзи—ла курамиз юртни,—  
Совуқ минг йилларни кечирсин зоглар,  
Бизга бир инсоний умр кифоя!



*УМАРАЛИ НОРМАТОВ,  
ОРТИҚБОЙ АБДУЛЛАЕВ*

# ИЖОДНИНГ ҚЎШ ҚАНОТИ

Мирмуҳсин ижоди ҳақида очерк

Тошкент  
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
1981

## НАШРИЁТДАН

Ўзбек совет адабиёти «ўрта авлоди»нинг забардаст вакилларида бири бўлиши Мирмуҳсин ўзининг шеър, баллада, поэмалари, ҳикоя, қисса ва романлари билан адабиётимиз ривожда муносиб ўрин эгаллайди. Унинг кўпгина асарлари рус ва бир қатор қардош халқлар тилларига таржима этилган.

Мазкур очерк авторлари Мирмуҳсин ижоди ҳақида мумкин қадар батафсилроқ маълумот беришга, адибнинг эътиборга сазовор жаминки асарларини маълум система асосида таҳлил этишга ҳаракат қилганлар. Мирмуҳсин ҳам шеърятда, ҳам прозада ижод этиб келади. Шеърят адиб ижодининг бир қанотини, наср эса иккинчи қанотини ташкил этади. Шунга кўра мазкур китоб ҳам икки бўлимдан иборат. Адиб ижодининг бир қаноти — насрий асарлар таҳлилига бағишланган бўлим филология фанлари доктори Умарали Норматов, бошқа бир қаноти — шеърятни таҳлили эса ёш танқидчи Ортиқбой Абдуллаев қаламига мансуб.

Норматов, Умарали; Абдуллаев, Ортиқбой.

Ижоднинг кўш қаноти.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.— 188 б.

1. Автордош.

Мазкур илмий-адабий очеркда ўзбек совет адабиётининг таниқли намойишдаларидан бири бўлган Мирмуҳсиннинг шеър ва поэмалари, ҳикоя, қисса ва романлари кенг таҳлил қилинади.

Норматов У., Абдуллаев О. Крылья творчества. Творчество Мирмухсина.

83.3Уз7

A 70202—6  
M 352(04)—81 158—81 4603010202

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981 й.

# БИРИНЧИ БЎЛИМ

## ЗАМИН ШЕЪРИЯТИ

### ШОИРНИ ТАНИТАР ҚАЛБ ИЛА ҚАЛАМ

Мирмуҳсин (Мирсаидов Мирмуҳсин) дастлаб шоир сифатида элга танилди. Унинг 30-йилларнинг охирларидаёқ матбуот саҳифаларида эълон қилинган илк шеърлари, буюк рус шоирлари А. С. Пушкин ва М. Ю. Лермонтов асарларининг сеҳрли таъсири остида яратилган «Қамар» достони, «Қизил олма» балладаси адабий жамоатчилик томонидан илиқ қарши олинди. Еш шоирнинг машқларидаги соддалик, тиниқ тасвирга, табиийликка интилиш, жонли халқ тили бойликларидан унумли фойдаланишга жиддий эътибор бериш каби фазилатлар Ойбек, Гафур Ғулум, Уйғун, Мақсуд Шайхзода каби устоз шоирларнинг диққатиши тортди. Бу улкан сиймолар шу йилларда «атак-чечак» қилиб адабиёт даргоҳига кириб келаётган истеъдодли ёшлар ижодига меҳр билан мураббийлик қилдилар. Мирмуҳсин ҳам бу улуғ устозларнинг меҳр зиёсидан ҳар томонлама баҳраманд бўлди. Бу ҳақда шоирнинг ўзи кейинчалик шундай ёзган эди: «Ўттизинчи йил охирларида «Евгений Онегин» таржимаси муҳокамасида Ойбекни кўришим, Гафур ака билан танишганим, Ҳамид Олимжон ўзининг бир сўзида «Карл Маркс» шеърим ҳақида яхши истакларни билдиргани, Уйғун таҳририда чиққан «Ўзбекистон» альманахида «Қизил олма» балладамнинг босилиши менга қанот бағишлади» («Ўз ҳақимда», «Шеърлар» тўплами, Ўздавнашр, Тошкент, 1964 йил, 7—8-бет).

Улуғ Ватан урушининг машаққатли йиллари кўплар

қатори Мирмуҳсин учун ҳам «катта синов бўлди». Не-  
мис-фашист ғалалари Ватанимиз тупроғига хиёнатко-  
рона бостириб кирди. Унинг қонхўр босқинчиларни  
фош этувчи жанговар руҳда (ҳамкасб дўсти Асқад  
Мухтор билан ҳамкорликда) ёзилган шеъри урушнинг  
дастлабки кунларида «Қизил Ўзбекистон» газетасида  
босилиб чиқди. Ватанимиз учун ҳаёт-мамонт кўплари  
бўлиб қолган қизғин жанг йилларида Мирмуҳсин со-  
вет кишиларининг юксак ватанпарварлиги, мардлиги,  
жасоратини улуғловчи, меҳнатдаги тенгсиз жасорати  
ва маънавий дунёсидаги инсоний фазилатларни куй-  
ловчи кўплаб шеърлар («Хайкал», «Ишонч», «Қаҳра-  
моннинг келиши», «Қўбузчи», «Ҳаёт симфонияси»,  
«Ҳамширанинг блокнотига», «Кел, чекайлик» ва бош-  
қалар) яратди.

Совет дёғрига ғалаба баҳори бўлиб келган 1945 йил  
ёш шоир учун ҳам самарали бўлди — унинг атоқли  
шоир Мақсуд Шайхзода муҳаррирлик қилган «Вафо»  
номли илк шеърий китобчаси ўқувчилар қўлига тегди.  
Шоирнинг урушгача ва уруш йилларида яратилган  
шеърлари, балладалари жой олган бу тўпلامни китоб-  
хонлар ҳамда адабий жамоатчилик илиқ қаршилади.  
Газета, журналлар саҳифаларида у ҳақда самимият  
билан ёзилган тақризлар пайдо бўлди.<sup>1</sup>

Шоир уруш қаҳрамонлари — мард совет жангчиларининг фидойилиги ҳақида ёзганда ҳам, ўз меҳнати билан фронтга мадад бераётган ажойиб совет кишиларининг тенги йўқ жасоратини назмга солганда ҳам ғалабага бўлган юксак ишонч туйғуларини шеърларининг маъзи-маъзига сингдириб юборди. Жамиятимизнинг сизилмас табиатидан келиб чиққан ва совет адабиётининг етакчи нафосини ташкил этган бу жанговар руҳ, оптимистик кайфият оловли йилларда қаламни найзага ай-

---

<sup>1</sup>А. Олимжон. Вафо ҳақида. «Ёш ленинчи» газетаси, 1945 йил, 19 октябрь, Вафо. «Шарқ юлдузи» журнали, 1946 йил, 4—5-сон.

лантириб, оташин ватанпарварлик туйгуларини жўшиб куйлаган каттадан-кичик барча совет ёзувчилари ижодида бўртиб кўринади. Ана шу катта ижод карвони билан қаторда боришга муяссар бўлган Мирмуҳсин биринчи имтиҳондан ўтди.

Тўпلامдаги шеърларда кейинчалик Мирмуҳсин ижодининг етакчи фазилзтига айланган бадий соддаликка интилиш хусусияти юз кўрсата бошлагани сезилиб туради. Аслини олганда фикрни, асар гоёсини ўқувчига содда, тушунарли қилиб етказиш орқали ҳаёт воқеаларини, инсон кечинмаларини ёрқин тасвирлай олиш санъати ҳар қандай адиб маҳоратининг даражасини кўрсатувчи асосий омиллардан бири. Бадий соддаликка интилишни ижоддаги етакчи эстетик меъёрга айлантириш катта фазилат. Шу жиҳатдан қараганимизда, Мирмуҳсин илк шеърларидаёқ маълум ютуқларни қўлга кирита олгани яққол сезилади. Мана, унинг «Ҳужумдан сўнг» шеъри:

Ҳужумдан сўнг командирлар ва биз,  
Ўйин қилдик салқин ўрмонда,  
Иван гармонь чалди, шунда мен-чи,  
Ўйин билмай бўлдим шарманда...

Ўрмон қалин эди... дарахт баргларида  
Ялтирарди гулхан шуъласи,  
Қаердандир шунда майингина  
Келар эди қиз ашуласи...

Кўрамизки, бу мисраларда ялтироқ ташбеҳлар, жимжимадор сўз ўйинлари-ю, дабдабали гаплар йўқ. Шоир оддийгина, жўнгина (бир оз насрга мойил) сатрларда ҳаётий бир лавҳа, жонли бир манзарани суратлантириб бера олган. Мазкур парчада тилга олинган салқин ўрмон, гармонь садоси, гулхан шуъласида ялтираёт-

ган дарахт барглари (содда, айни замонда дурустгина поэтик деталь!) узоқдан келаётган қизнинг майин ашуласи — кўз ўнгимизда жангчиларнинг ҳордиқ олаётган пайтидаги ҳолати, кайфиятини аниқ жонлантириб беради. Шоир тасвирга бевосита аралашмасдан, ортиқча сўзлар ишлатмасдан туриб, совет жангчиларига хос мардлик ва осойишталикни, ҳаётсеварлик, руҳан бойлик каби юксак хислатларни яхши ифодалай олган.

Мирмуҳсиннинг бу йилларда ёзилган бошқа шеърларида ҳам шундай тиниқ тасвирлар, ёрқин картиналарни, шоирона деталларни кўп учратамиз. Шоир аynиқса бадий тасвирнинг энг содда ва кенг тарқалган тури — ўхшатиш приёмининг кенг қўллайди. Масалан, у «Ҳайкал» шеърида урушнинг типик манзараси — одамларнинг кўплаб қиррилиши манзарасини шундай чизади:

Ўрмон гумбурларди, одамлар —  
Баргдек узиларди... Лекин тинмас жанг.

Гангиб қолган душман қиёфаси эса қуйидагича гавдаланади:

Калтак ер эди ёв устма-уст, лекин  
Аждардек буралар, бўларди тажанг...

Маркс ҳайкали ёнида ўқ еб, огир яраланган жангчининг ҳолати ҳам кўз ўнгимизда аниқ суратланиб қолади:

Бизнинг командир ҳам бир ўқ билан  
Арслон каби сапчиб йиқилди.  
Ва чангаллаб кўксин, аранг-аранг —  
Маркс юзларига тикилди.

Келтирилган мисоллардаги халқ оғзаки ижодига хос бўлган ўхшатишлар (Ўзбек халқи қадим-қадимдан

ботирларни арслонга, ёвузлик кучларини аждарга ўхшатиб келгани маълум) шеърга соддалик бағишлаб, унинг таъсир кучини оширган. Халқ оғзаки ижоди хазинасидаги образлар, иборалар, мақол-маталларга кўплаб мурожаат қилиш приёмини уруш йилларида ижод этган барча шоирлар ижодида учратамиз. Бу ҳол асарнинг кўтаринки руҳини ошириш билан бирга жангчиларимизга куч—мадад бағишлаб, ватанпарварлик туйғусини кучайтириш учун бевосита хизмат қилган.

Юқоридагига ўхшаш мисолларни Мирмуҳсин ижодидан яна кўплаб келтириш мумкин.

«Вафо» тўпламига кирган «Тўртликлар»да шоир кўпроқ инсоннинг маънавий дунёсида рўй берадиган хилма-хил ҳолатларни, мураккаб ички кечинмаларни очишга эътибор беради ва содда, самимий мисраларда қалб ғалаёнларини ифодалайди. Улар анча ҳаётий, жонли чиққан. Мана, бир мисол:

Ҳар бир ёнган кўзда ёш бўлар экан,  
У юракка қайғудош бўлар экан.  
Гоҳ кулфатга рамздир, гоҳо севинчга,  
Бир томчи-ла ҳиссинг фош бўлар экан.

Шоир инсон умрига чуқур назар ташлаб, унинг «кулфат» ва «севинч»лардан иборат қарама-қарши кутблари ҳақида теран фалсафий мушоҳадалар юритишга муваффақ бўлган. Бу кичик парчада инсон ҳаётининг қирралари маълум даражада ўз аксини топган деб айтиш мумкин. Шунингдек, инсон билимининг чеки-чегараси йўқлиги, доимо изланиш, ўрганиш, меҳнат қилиш ҳаётнинг асоси эканлиги ҳақида фикр юритувчи тўртлиги ҳам ўқувчини хаёлга толдиради.

Мирмуҳсиннинг тўртликлари танқидчилар томонидан ҳам муносиб баҳоланган. «Мирмуҳсин ёш шоирлар орасида ўзининг тўртликлари билан ажралиб туради. Қисқа шеърий мисраларга мураккаб фикрларни



жо қилиб беришда ёш шоир анча муваффақият қозонган»<sup>1</sup>,— деб ёзган эди адабиётшунос А. Олимжон.

Шу билан бирга «Вафо» тўпламидан жой олган шеърларда бир қатор камчиликлар ҳам кўзга ташланади. У ўзига таниш манзаралар, мамлакат ичкарисидаги ҳаёт лавҳалари ҳақида ёзганда, инсоний кечинмаларни, ишқ-муҳаббатга боғлиқ ҳолатларни акс эттирганда эса қоладиган парчалар яратишга муваффақ бўлади, аммо уруш эпизодлари, тасвирида «схематик қайд қилиш»га йўл қўяди. Бу биринчи навбатда ёш шоирнинг ўзи тасвирлаган айрим мавзуларни яхши билмаганлиги оқибатида келиб чиққан. Шу жиҳатдан Абдулла Олимжоннинг: «Фронт мавзуларида ёзилган... шеърларида... воқелик юзаки, бир томонлама тасвирланади. Айрим шеърларида душманга ҳужум қилингани ҳақида гапирилади-ю, лекин ҳужумнинг ўзи йўқ. «Ҳужумдан сўнг», «Кел, чекайлик» шеърлари каби. Кўп шеърларида фронт қаҳрамонларига мадҳия айтилади, лекин қаҳрамоннинг қандай қилиб қаҳрамон бўлгани очиб берилмайди», деган мулоҳазаларига қўшилиш керак. Айни замонда мунаққиднинг «Ҳужумдан сўнг», «Кел, чекайлик» шеърлари ҳақидаги «таъна»лари нотўғрилигини ҳам айтиб ўтиш зарур. Бу шеърларда мунаққид айтганидек, «душманга ҳужум қилингани» эмас, аксинча, ҳужумдан сўнгги ҳордиқ, дам олиш пайтидаги оддий инсоний муносабатлар акс этган бўлиб, улар самимият билан ёзилган.

Шоирнинг ўзи ҳам илк тўпلامي нуқсонлардан холи эмаслигини эътироф этиб, самимият билан:

Мақом ожиз, лабимдаги най ожиз,

Дилни селдай тошдиrolмас куйларим,—

(«Ҳали ёшлик ғурурлари кўнглимда».)

деб ёзган эди.

---

<sup>1</sup> «Шарқ юлдузи» журнали, 1946 йил, 4—5-сон.

Урушдан кейинги йиллар мамлакатимиз тарихига тинч қурилиш даври сифатида ёзилади. Бу йилларда фашизмни мардона енгиб чиққан мағрур совет кишилари халқ хўжалигининг барча тармоқларини юксалтириш, аҳолининг моддий ва маънавий фаровонлигини ошириш йўлида янги куч, янги қудрат билан меҳнат жангига киришди. Ватан ўз жароҳатларига малҳам топди. Ғ. Фулом айтганидек, «Тўрт йил жафо чеккан ватандош ўртоқ, энди қўлга олди меҳнат тешасин». Вайрон бўлган беҳисоб шаҳар ва қишлоқлар қайта тикланди, минглаб саноат корхоналари барпо қилинди, қишлоқ хўжалиги янги изга туширилди, қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ишлари бошланди. Маданият, фан, техника соҳасида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди. Бутун мамлакат бўйлаб кенг қулоч ёйган қайноқ меҳнат кўтаринкилиги тўлқинлари адабиёт ва санъатда ҳам ўз муносиб аксини топди. Бу давр адабиётининг характерли белгиси замонамиз қаҳрамонлари бўлган меҳнат кишиларининг тўлақонли образини яратишда, унинг мураккаб сиймосини гавдалантиришда кўринади. Шу вақтда Мирмуҳсин ҳам оддий ўзбек кишилари, феъл кенг, қалби тоза, соддадил қишлоқ одамлари образини яратишга қунт билан киришди. У бу йўлда астойдил меҳнат қилди, классик шоирлар ҳамда совет адабиётининг устоз адiblари ижодий маҳоратини севиб ўрганди, айниқса А. Твардовский ижодидан (жумладан, «Василий Тёркин» поэмасидан) кўп таъсирланди.

Урушдан кейинги йилларда ўзбек шеърини бир қадар мураккабликларни ҳам бошдан кечирди. Тўғри, шеърини ўз олдидаги муқаддас гражданлик бурчини ҳалол бажара олди. Айниқса, бугунги кунда бу сўзни ҳеч иккиланмасдан дадил айтиш мумкин. Давр даъват этиб турган долзарб масалалар, халқ ҳаётининг жонли манзаралари, совет кишиларининг тинч бунёдкорлик, яратувчилик руҳи, ватанпарварлик туйғулари Ойбекнинг ҳаётбахш оптимизм билан сугорилган, драматик



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/4709> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/4709> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную  
версию можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/4709>